

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

324 Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 май,
251-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 майдаги 251-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 15-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «гуруҳларни тўлдириш, қоидага кўра, академик лицейларда 26 нафаргача, касб-ҳунар коллежларида 30 нафаргача ўқувчилар доирасида белгиланади, ўқувчиларнинг ўқув юкласи ва бошқа ўқув-тарбия жараёнини рационализациялаш масалалари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартига мувофиқ аниқланади».

2. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом олий таълим муассасасига кириш ҳуқуқини беради.

18 (778)-сон

— 75 —

324-325-моддалар

Академик лицей битирувчиларига диплом билан биргаликда махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган мутахассислик бўйича давлат намунасидаги сертификат берилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом (сертификат) эгаллаган билимларини меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради».